

## ШОИР – ҚАЛБ ТАРЖИМОНИ

*Эшпулатова Саодат Махматовна**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат**ўзбек тили ва адабиёти университети академик лицейи ўқитувчиси**[Saodat69eshpulatova@gmail.com](mailto:Saodat69eshpulatova@gmail.com)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ватан мустақиллигини, халқ дарди ва бахтини куйлаган, тарихни кечагидай кўз олдимизда ўзининг мафтункор мисралари билан жонлантира олган шоир Абдулла Орипов шеърийатининг мазмуни ва унинг халқчиллиги ҳақида сўз боради. Ўзбек мунаққидларининг шоир ижодига берган баҳоси ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** нажот, ҳақиқат ёғдуси, дилдошлик, эзгулик, соф туйғу, истиқлол.

**Аннотация.** В этой статье рассказывается о содержании и народности поэзии Абдуллы Арипова, поэта, воспевшего независимость Родины, боль и счастье народа, сумевшего оживить историю, как вчера, своими очаровательными границами. Также дана оценка узбекских лицемеров творчеству поэта.

**Ключевые слова:** спасение, луч истины, дилемма, доброта, чистое чувство, независимость.

**Annotation.** This article tells about the content and nationality of the poetry of Abdulla Aripov, a poet who sang of the independence of the Motherland, the pain and happiness of the people, who managed to revive history, as yesterday, with his charming borders. The assessment of the Uzbek hypocrites for the poet's work is also given.

**Keywords:** salvation, ray of truth, dilemma, kindness, pure feeling, independence.

Серқуёш ўлкасини, унинг бетакрор гўзаллиги-ю, халқига бахт, нажот олиб келишини, унинг номи тилларда дoston бўлишини, бутун ер юзи бўйлаб шуҳрат топишини куйлаган шоир Абдулла Орипов ўз даврида миллий адабиётимиз, халқимиз дилидан ва тилидан ўзига хос ўрин эгаллаган шоирлардан.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида миллий сўз санъати оламига юксакликларни забт этишга интилган юлдуздек порлаб, Абдулла Қаҳҳор таъбирича, “ёзувчиликка чўғдай ёниб кирган”, балқар шоири Қайсин Қулиев “унинг пайдо бўлиши шеърийатимизда байрамдир”<sup>1</sup> дея таърифлаган, ҳақиқат ёғдуларини назмга жо қилган, ҳар қандай адолатсизликларга қарши “ўт очган” ёш шоир кириб келди.

Шеърийатни онага қиёслаган ва чиндан ҳам ижодга фидойи фарзанд бўлган Абдулла Ориповнинг шеъри кириб бормаган бирорта хонадон Ўзбекистонда топилмаса керак. Фақат биргина эмас, минглаб, миллионлаб

[<sup>1</sup>Ш.Сариев. Адабиёт фанидан ўқув –мажмуа.”Шарқ”нашриёти.Т.,-2014.293-бет]

қалбларнинг руҳига унинг шеърляти сингиб борди. Шоирнинг халққа, халқнинг эса шоирга бу қадар дилдошлиги ва сирдошлиги, ўзига хослиги нимада?

“Абдулланинг шеърляри бошқа шоирларнинг шеърляридан фарк қилмайди. Ҳамма шоир каби муқаддас мавзулар - Ватан, Она Ер, Халқ, оқ сут берган Она, Муҳаббат кабиларни Абдулла ҳам қаламга олади. Она ерга, унинг ўтмиши ва келажагига назар ташлайди. Ўз халқига тасаннолар айтади. Оқ сут берган Она меҳрига мадҳиялар ўқийди. У висолни куйлайди, муҳаббат хажридан нолийди...Туғилиб ўсган жойидан гўзаллик ахтаради...”<sup>2</sup>

Абдулла Орипов шеърлятининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг халқоналигида - халқ тилида ёзилганлигида. Шоир халқ сўзи билан халқ қалбини куйлай олади, куйлаганда ҳам дилрабо оҳанг билан ўртаниб, ёниб куйлайди.

Кулма, кулма, нега куласан,  
Хижолат чекканнинг ҳолига.  
Нега қўл узатдинг бир камбағалнинг  
Ўғрилардан қолган молига<sup>3</sup>.

“Ўғрилардан қолган мол” – халқ тилидаги оддий ибора, лекин шоир тилига кўчганда бу ибора инсон қалбининг тафаккури ривожланиб боргани сайин камёбланиб бораётган эзгу туйғулари эканлигини шундай таъсирчан ифодалайдики, беихтиёр, одамнинг қалби титрайди.

Колумбда бор аламим маним, Ўзбекистон Ватаним маним<sup>4</sup>.

Шоир куйлаган бу “алам” – халқнинг буюк армони, дарди, ғурури эканлигини халқ қалбида таржима қилган. Бу мисраларни ўқиган ҳар бир шеърхон бу “алам”ни ўз қалбида туяди. Таажжубки, бу “алам”дан кўкси тоғдек кўтарилади.

Минорлар эмас бу- фалакка қасам,  
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.  
Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,  
Ўлик фиръавнлар кетарлар сапчиб.

Бу – ўзлигини англаган ўзбекнинг ўктам овози, шоир қалбининг нидоси.

... Дардчил ва тирик бу сатрларни ташбеҳ тизимчасидаги дурлардай тизганида, бутун бошли бир халқ ва унинг кечмиши, чеккан кулфат ва аламлари, армон-у ҳасратлари ҳақида шунчалар ҳазин, шунчалар теран тасаввур туғдирганида Абдулла атиги йигирма беш – йигирма олти ёшларда эди. Унинг одатдан ташқари сифатлашлари ҳар бир ташбеҳига абадият муҳридай сингиб кетган,<sup>5</sup>-дейди Одил Ёкубов Абдулла Орипов ҳақида унинг “Муножот” деб номланган сайланмасига ёзган сўзбошида.

Абдулла Орипов адолатсизликка қарши ўт очган ёш шоир сифатида пайдо бўлди. Унинг ижодига салбий муносабатлар билдирилди. Лекин

[<sup>2</sup> М.Қўшжонов. Ижод сабоқлари.“Ёш гвардия” нашриёти. Т.,-1973. 147-бет]

[<sup>3</sup> Орипов А. Йиллар армони. Т.-1983-й.33-бет]

[<sup>4</sup> Орипов А. Йиллар армони. Т.-1983-й.223-бет]

[<sup>5</sup> А.Орипов. Муножот. Сайланма.Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъатнашриёти.Т.,-1992-й.6-бет.]

1965 йилда Абдулла Қаҳҳор ўзининг “Талант – халқ мулки” мақоласида Абдулла Ориповни ҳимоя қилиб чиққанини мунаққид Норбой Худойберганов шундай изоҳлайди: ”...Абдулла Ориповнинг халоскори сифатида майдонга отилиб чиққанлиги ўзига хос жасорат бўлди. Мақола илк бор Ўзбекистонда эмас, балки Москвада “Литературная газета”да босилиб чиқарилиши миллий ижодкорларимиз ҳаётидаги тарихий воқеа бўлиб қолди....Ўша мақоланинг қай даржада ҳал қилувчи аҳамият касб этганлигини англаш учун қуйидаги матн парчасини кўздан кечирайлик: “Абдулла Орипов “Темир одам” деган шеърда мураккаб техника сиридан воқиф бўлган, лекин инсоннинг қувончи, ғам-ғуссасига келганда қулоғи қар, тили лол бўлган, йиғлаган гўдакнинг бошини силлолмайдиган, онага таскин-тасалли беролмайдиган одамларга таъна тошини отади”[А.Қаҳҳор.Асарлар.6-жилд. Тошкент,1971,407-бет]⁶.

Абдулла Орипов ижодини пешқадам мунаққидлардан Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов ва Норбой Худойбергановлар ҳам кузатишган, шеърларини таҳлил қилишган, ўз ўрнида баҳосини беришган. Ҳатто, ўша даврларда давлат раҳбари бўлган Шароф Рашидов ҳам шоир ижодига бефарқ бўлмаганини мунаққид Норбой Худойберганов шундай эътироф этади: “...Бунга раҳматли Шароф Рашидов ҳам бефарқ қарамаганлар. Жумладан, шахсан ўзим билан бир қанча мулоқотларида: ”Сизнинг кўпгина мақолаларингиз, айниқса, “Литературная газета”, “Дружба народов”, “Вопросы литературы” каби Москва матбуотидаги чиқишларингизда асосан уч Абдуллани - Қодирий билан Қаҳҳорни, Ориповларни қўллаб-қувватлаганингиз, ўзгаларга эса кўпроқ танқидий нуқтаи назардан ёндашаётганингиз бирёқламалик эмасми?”- дея танбеҳ бергандай бўлганлари хотирамда бир умр муҳрланиб қолди...”⁷

Адабиётшунис олим, мунаққид Норбой Худойберганов Абдулла Орипов ижодини кузатар экан, унинг ижодига ҳолис баҳо беради. Бўш, саёз ёзилган шеърнинг саёзлигини айтади, киши қалбини титратадиган шеърларининг мазмунини юқори баҳолайди. Ва шу ўринда “Савоб”, “Нозим Ҳикмат”, “Хайрлашув” каби шеърларидан мисралар келтириб таърифлайди. “Хўш, Абдулла Ориповнинг иккита шеъри билан (“Боғбон” ва “Бизнинг шеър” деб номланган шеърлари ҳақида фикр билдирилган – С.Э.) Абдулла Орипов ижодида ўпирилиш рўй берди, дейиш мумкинми? Табиийки, мумкин эмас. Ахир, “Оломонга”, “Савоб”, “Хайрлашув”, “Нозим Ҳикмат” сингари етук шеърларни яратган шоир ижодида қандай ўпирилиш бўлиши мумкин? “Чорасиз бир инсон учраган дамда унсиз сўроғига қилдингми жавоб? Айт-чи, билармисан, ёруғ оламда буларнинг барчаси аталгай савоб”(“Савоб”), деб бонг урган ёки “Лекин бу улуғ дунёда урфини сотганлар озми? Лекин бу улуғ дунёда тилини сотганлар озми? Олам бозорида сира киприк қоқмай, юртини, элини сотганлар озми?” (“Нозим Ҳикмат”), дея турк халқининг улуғ шоири ва содиқ фарзандини чин қалбдан эҳтиросли мисраларда муборакбод этган, ёхуд

[⁶ Худойберганов Н. Бадий таҳлил сеҳри.Тошкент – 2008. 64-бет]

[⁷ Ўша манба.66-67-бетлар.]

“Олтин болалигинг ўтган тупроқда наҳот топилмади сенга бир мадад? Наҳот онанг руҳи қолмиш йироқда? Наҳот бобларинг қўлламас, минбаъд” (“Хайрлашув”), деб ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини қадрлашга чақирган, ўз қувончлари, ғам-аламларини баҳам кўришга тайёр турган бедор, зийрак, хужумкор қалб эгасига бизнинг ҳурматимиз, муҳаббатимиз чексиздир. Абдулла Орипов ана шундай қалб эгаси”.<sup>8</sup>

Она Ватан - Абдулла Орипов шеърятининг бош мавзуси. Ватанни бу қадар жондан севиш, шу севгига муносиб тарзда шарафлаш мумкинлигини бошқа шоир ижодида учратмайсиз. Унинг муҳаббати қанчалик буюк бўлса, нафрати ҳам ундан кам эмас.

... Болалар руҳига ҳаёт деган дарс  
Манманлик уруғин жойласа;  
Ошиқлар кўчада маъшуқасин эмас,  
Кимнингдир йўлини пойласа...

Шоир бу шеърда юрагини қийноққа солган изтиробни куйлади, шафқатсиз ҳаёт ҳақиқатини мисраларга жо этди, халқини қийнаб келаётган азобларни тилига чиқарди, қоғозга муҳрлади.

Шоирнинг “Юзма-юз” шеърда ўзи пишириб, таомидан бенасиб бўлган, бировларни кийинтириб, ўзи киймаган, юлдузларни кашф этганига қарамай, ўзгалар томонидан “авом” деган ном олган халқнинг мураккаб ва зиддиятли тарихи, тақдири акс эттирилган. Шоир асарни дунёдаги барча кулфатлар, адашишлар ҳамжиҳатликнинг бузилишидан, дея таъкидлаган. Шеърдан парча келтирамиз:

Кўзимга баъзида кўринса жанда,  
Кўнглим тўлиб кетар, инграйман, халқим.  
Халқим, мозий ўтди толе кўрмадинг,  
Пиширдинг ўзингга бенасиб таом.  
Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг,  
Юлдузни кашф этиб ном олдинг авом...

Шоир тарих мавзусини ҳам четлаб ўтмади. Зотан, тарих сахни – бу миллион-миллион эркесварларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини пойдор этиш учун, Ватан мустақиллиги учун муттасил жанглар кечган кураш майдонидир.

Абдулла Ориповнинг тарихий сиймолар орасида энг эътиқод қўйгани Амир Темурдир. Мустақиллик шарофати билан эса соҳибқиронга бағишлаб шеърини драматик дoston яратди. “Дунё” тўпламида ҳам буюк аждодимизни улуғлаб шеърлар ёзди. У “Темур” шеърда юрт мустақиллигидан мамнунлик, шукроналик, фахрланишини содда сатрларда шундай баён этади:

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,  
Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.  
Темурбек юлдузи Олтин Қозикдек,  
Чарақлар буюклар қаҳқашонида...  
...Не бахтким, тукқан юрт бўлганда озод,

[<sup>8</sup> .Худойберганов Н. Ҳақиқат ёғдулари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.Т.-1985.49-бет]

Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.  
Кулоқ тутгайми деб, ноаҳил авлод,  
Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз<sup>9</sup>.

Юртнинг озодлиги унга тарихини қайтариб берди. Турон заминнинг топталган тарихи мустақиллик туфайли ҳақиқий қиёфасини кўрсатди. Соҳибқирон Амир Темур сингари сиймолар ҳақида рост сўз айтиш имкони туғилди. Мустақиллик бу юртга аждодлар урф-удумлари, эзгу ақидаларини қайтадан тирилтириб берди. Бу юртнинг фуқаролари ўз хоҳиш иродасига кўра иш тутиш, дунё билан беҳадик, бежавотир боғланиш, тенг ҳамкор сифатида муносабат ўрнатишга киришди.

Шоирнинг “Туркистон болаларига” шеърида ғуруридан ажралиб, орномусини унутиб қўйганларнинг Ватан мустақиллиги, истиқлол нелигини билмайдиганлар аччиқ маломат қилинган. ”Мустақиллигимизнинг бир йиллиги муносабати билан” дея изоҳ берилган мазкур шеър шундай бошланади:

Туркистоннинг болалари, мақтовимга кулоқ тутманг,  
Гина қилсам чиданг, аммо, гапларимни ҳеч унутманг.  
Шундан кейин шоир надоматларини бир-бир айтади:  
Хурликни-ю саодатни муборакбод этдим, лекин,  
Айтиб қўяй, қулоғингиз битган экан секин-секин.  
Назарингиз тушар аввал зеби-зийнат, дастурхонга,  
Ҳануз таъзим қилмоқдасиз мол-дунёси бор инсонга.

Одамларнинг нарса-буюмга сажда қилиши, тамагирликка одатланиб кетгани таомил тусини олганини маломат қилади.

Эътиқодсизлик, макр-ҳийла урчиб кетганидан одамлар ўртасида ишонч йўқолган. Ишонч, бир-бирига оқибат бўлмаган жойда разолат авж олиши ҳақида шоир “Ишонч кўприклари” шеърида шундай деган эди:

Бундай юртда энди қирғин шарт эмас,  
Вабо ҳам қочади ундан йироққа;  
Ҳатто дарёлари қурир басма-бас,  
Ҳатто тупроқлари тушар титроққа.

Дарёлар қуриб, тупроқ заҳарга айланганига сабаб, демак, одамлар ўртасидаги оқибатсизликдир.

Меҳр-оқибатли бўлиш учун кўнгил маърифат билан нурланган бўлиши керак. Кўнгилда шу нур бўлмаса, инсон тубанлик ботқоғига ботиб кетади. Шоир Туркистон болаларига мурожаат қилиб:

Ўтинч ила ҳасратимни насиҳат деб юзга солманг,  
Худо инсоф берган куни бармоғингиз тишлаб қолманг.

Шоир Ватан ҳақидаги шеърларида Ватаннинг мустақиллигини қанчалар муштоқлик билан кутганини кўрсатади. Унинг “Ватан деб жўш урар эрса, Кўтаргум бошига хасни” деган сатр ҳам шундан гувоҳлик беради:

Боболар кечмишин ҳаргиз фаромуш айламанг, дўстлар,

[<sup>9</sup> А.Орипов. Сайланма.”Шарқ” нашриёт- матбаа концерни.Тошкент,-1996-йил,12-13-бет]

Ҳақиқат тонги отганда, ани туш айламанг дўстлар,  
Агар ким эътиқодсиздур, ани хуш айламанг, дўстлар,  
сатрлари истиклолга эришган юрт аҳволига эътиборсиз, лоқайд  
бўлмасликка чорлайди. Чунки мустақиллик туш эмас, аини ҳақиқат  
эканлигига ишонишга чақириқ бор.

Абдулла Орипов шеърляти даврга нисбатан мурасасиз, ўқувчини  
хушёрликка, уйғоқликка чақирувчи бир даъватдай туюлади.

Ўзбек адабиётининг йирик вакили, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил  
Ёқубов шундай дейди: “Абдулланинг ёшлиги, беихтиёр, менга Пушкинни  
эслатади. Улуғ шоир каби у ҳам хиёл шикаста, биров дилига озор берган,  
ўкситилган боладай маъюс ва ўйчан, шеърини нафаси эса ғоят кудратли. Ҳар  
бир сатрида тизгинсиз дард силқиб турган “Муножот”ни тинглаб”, “Ўйлар”,  
“Баҳор”, “Ўзбекистон”, “Юртим шамоли” каби шеърлари эълон қилинганда ва  
уларни қайта ўқиганда ҳайратга тушар эдим... Унинг шеърляти дотор  
навосига ўхшайди: бирда чексиз мунг билан дилларни ларзага келтирса, бирда  
шўхчан тус олади, майин ва ўзига хос таронаси тагин кишини мафтун этади”.<sup>10</sup>

Абдулла Орипов шеърларида истиклолга, ватанга, халқига, тарихий  
сиймоларга нисбатан қўлланган ҳамд-у санолар мақоланвислик шеърларидан  
тубдан фарқ қилади. Уларда, аввало, уйғоқ, безовта кўнгилнинг акс-садоси,  
тоза қувончи, тамасиз шарафлаши сезилиб туради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. 1973Худойберганов Н. Бадиий таҳлил сеҳри.- Тошкент: Адабий-бадиий  
нашр – 2008.
2. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари.- Тошкент: ”Ёш гвардия” нашриёти,.
3. Орипов А. Ишонч кўприклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат  
нашриёти,1989.
4. Орипов А. Дунё. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти,1995.
5. Орипов А.Сайланма.- Тошкент: ”Шарқ” нашриёти,1996
6. Амир Темур ўғитлари. – Тошкент: Наврўз, 1992.

[<sup>10</sup> А.Орипов. Муножот.Сайланма. Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт –матбаа бирлашмаси.Т.,-1992.6-7-бетлар]